

**ҚАРШИ ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ  
ИЛМИЙ ДАРАЖА БЕРУВЧИ  
DSc. 03/30.12.2021.Fil.70.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**  

---

**БУХОРО ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ**

**НОРОВА НАСИБА БАХТИЁР ҚИЗИ**

**УСЛУБ ВА ИЖОДКОР МАҲОРАТИ  
(Усмон Қўчқор ижоди мисолида)**

10.00.02 – Ўзбек адабиёти

**Филология фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси  
АВТОРЕФЕРАТИ**

**Қарши – 2022**

**Филология фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси  
автореферати мундарижаси**

**Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD) по  
филологическим наукам**

**Contents of Dissertation Abstract of the Doctor of Philosophy (PhD) in  
Philology**

**Норова Насиба Бахтиёр қизи**

Услуб ва ижодкор маҳорати (Усмон Қўчқор ижоди мисолида)..... 5

**Норовой Насибы Бахтиёр қизи**

Стиль и творческое мастерство (на примере творчества Усмана Кучкара)... 23

**Norova Nasiba Bakhtiyor qizi**

Style and the artist's creativity (on the example of Usman Kuchkar)..... 45

**Эълон қилинган ишлар рўйхати**

Список опубликованных работ

List of published works..... 49

**ҚАРШИ ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ  
ИЛМИЙ ДАРАЖА БЕРУВЧИ  
DSc. 03/30.12.2021.Fil.70.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**  

---

**БУХОРО ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ**

**НОРОВА НАСИБА БАХТИЁР ҚИЗИ**

**УСЛУБ ВА ИЖОДКОР МАҲОРАТИ  
(Усмон Қўчқор ижоди мисолида)**

**10.00.02 – Ўзбек адабиёти**

**Филология фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси  
АВТОРЕФЕРАТИ**

**Қарши – 2022**

Филсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамиси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида: №В 2020.4.PhD/Fil 420 рақам билан рўйхатга олинган.

Диссертация Бухоро давлат университетидида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (Ўзбек, инглиз, рус (резюме)) Илмий кенгаш веб-саҳифасида ([www.qarshidu.uz](http://www.qarshidu.uz)) ва "Ziynet" Ахборот таълим порталида ([www.ziynet.uz](http://www.ziynet.uz)) жойлаштирилган.

**Илмий раҳбар:**

**Ахмедова Шоира Насиматовна**  
филология фанлари доктори, профессор

**Расмий оппонентлар:**

**Журакулов Узоқ Хайдарович**  
филология фанлари доктори, профессор

**Бозорова Насиба Пулотжоновна**  
филология фанлари номзоди, доцент

**Етакчи илмий ташкилот:**

**Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси Ўзбек тили, адабиёти ва фольклори институти**

Диссертация ҳимояси Қарши давлат университети ҳузуридаги Илмий даражалар берувчи DSc.03/30.12.2021.Fil.70.01 рақамли Илмий кенгашининг 2022 йил "4" ноябрь соат 10:00 даги мажлисида бўлиб ўтади (Манзил: 180103, Қарши шаҳри, Кўчабоғ кўчаси 17. Тел.: (0375) 225-34-13; факс: (0375) 221-00-56; e-mail: qarshidu@umail.uz). Қарши давлат университети, 2-бино, 202-хона.

Диссертация билан Қарши давлат университетининг Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (134 рақами билан рўйхатга олинган). (Манзил: 180103, Қарши шаҳри, Кўчабоғ кўчаси 17. Тел.: (0 375) 225-34-13; факс: (0375) 221-00-56; e-mail: qarshidu@umail.uz).

Диссертация автореферати 2022 йил "22" Октябрь да тарқатилди (2022 йил "22" Октябрь даги 14 рақамли реестр баённомаси).



**Н.Н.Шодмонов**

Илмий даражалар берувчи  
Илмий кенгаш раиси, филология  
фанлари доктори, профессор

**Г.Н.Тожиёва**

Илмий даражалар берувчи  
Илмий кенгаш котиби, филология  
фанлари доктори (DSc), доцент

**Д.Тўраев**

Илмий даражалар берувчи  
илмий кенгаш қошидаги  
Илмий семинар раиси, филология  
фанлари доктори, профессор

## КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

**Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати.** Жаҳон адабиётшунослигида ижодкор услуби ва маҳорати, шахсият ва ижод, бадиий матн таҳлилида шаклий-услубий янгиланишлар ҳамда индивидуаллик каби масалаларга эътибор кучаймоқда. Айниқса, ижодкор услуби ва маҳорати, ижодий муҳит, истеъдод, тафаккур ва ифода тарзи ҳамда индивидуаллик каби муаммоларни яхлит ҳолда текшириш, муайян ижодкор асарлари бадиият қонуниятлари асосида адабий-эстетик категория сифатида тадқиқ этиш муҳимдир. Айни пайтда ўрганилаётган масалага биографик маълумотларнинг ўрни, индивидуал услубда адабий-бадиий композицияни белгиловчи омилларни аниқлаш, услубнинг поэтик канонларини кўрсатиш, адабиётшуносликда ўз долзарблигини сақлаб қолмоқда.

Дунё адабиётшунослигида ҳам санъаткор услубини белгиловчи унсур ва тамойилларни тадқиқ этиш, ижодкор яшаган давр ҳамда ижтимоий муҳит, бадиий матннинг ғоявий-бадиий жиҳатларини аниқлаш, шеърининг мавзулар кўлами ва образлар тизими, жанр ва шакллар ранг-баранглигида маҳорат масаласини ёритиш зарурати кўзга ташланмоқда. Жумладан, замонавий адабиётшуносликда ҳам ижодкор услуби, маҳорати унинг давр адабиёти тараққиётидаги мавқеини белгилаш, асарларида илгари сурилган ғояларни бадиият мезонлари асосида очиб бериш ва лингвопоэтик хусусиятларини ёритишга алоҳида диққат қаратилмоқда.

Истиқлол даври ўзбек адабиётшунослигида ижодкор шахси ва ижодини уйғунликда тадқиқ этиш, асарларида акс эттирилган умуммиллий ғояларнинг адабий жараёнга таъсирини муайян тарихий нуқтаи назардан холис ўрганиш устувор вазифалардан бири бўлиб қолмоқда. “...Биз халқимизнинг маънавий камол топишида маданият намояндаларининг улкан хизматлари борлигини доимо миннатдорлик билан эътироф этамиз”<sup>1</sup>. Шу жиҳатдан ижоди кам ўрганилган истеъдодли шоир Усмон Қўчқорнинг бадиий маҳоратини тадқиқ қилиш зарурати яққол намоён бўлади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг, 2019 йил 21 октябрдаги ПФ-5850-сон “Ўзбек тилининг давлат тили сифатидаги нуфузи ва мавқеини тубдан ошириш тўғрисида”ги, “2022-2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси тўғрисида”ги Фармони, 2017 йил 24 майдаги ПҚ-2995-сон “Қадимий ёзма манбаларни сақлаш, тадқиқ ва тарғиб қилиш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида” 2017 йил 13 сентябрдаги ПҚ-3271-сон “Китоб маҳсулотларини нашр этиш ва тарқатиш тизимини ривожлантириш, китоб мутолааси ва китобхонлик маданиятини ошириш ҳамда тарғиб қилиш бўйича комплекс чора-тадбирлар дастури тўғрисида”ги қарори, маънавий тараққиётни таъминлаш, ушбу соҳани тубдан ислоҳ қилиш ва янги босқичга олиб чиқиш ҳамда мазкур фаолиятга тегишли бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишда ушбу диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

<sup>1</sup> Мирзиёев Ш. Адабиёт ва санъат, маданиятнинг ривожланиши – халқимиз маънавий оламини юксалтиришнинг мустаҳкам пойдеворидир // Халқ сўзи, 2017. – 4 август. – № 28. – Б. 1-2.

**Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига боғлиқлиги.** Диссертация тадқиқоти республика фан ва технологиялар ривожланишининг “Ахборотлашган жамият ва демократик давлатни ижтимоий, ҳуқуқий, иқтисодий, маданий, маънавий-маърифий ривожлантиришда, инновацион ғоялар тизимини шакллантириш ва уларни амалга ошириш йўллари” устувор йўналишига мувофиқ бажарилган.

**Муаммонинг ўрганилганлик даражаси.** Бадий ижод намуналари яратилар экан, услуб ва маҳорат хусусидаги илмий-назарий қарашлар ҳам тўлдирилиб борилаверади. Зеро, ҳар бир ижодкор ўзига хос услуб ихтироғисини, яратувчисидир. Ўрганилаётган илмий муаммо бўйича ҳам тадқиқотлар икки йўналишда амалга оширилган. Биринчи йўналиш адабиётшуносликда шоир услуби ва шахсият, шеършуносликка оид: В.Виноградов, Ж.Робинсон, Ж.Бюффон, В.Жирмунский, М.Храпченко, М.Османов, Б.Томашевский, В.Хализев каби олимларнинг қатор тадқиқотларида ижодкор маҳорати<sup>2</sup>, А.Фитрат, С.Мамажонов, О.Шарафиддинов, И.Ғафуров М.Қўшжонов, У.Норматов, Н.Шукуров, А.Расулов<sup>3</sup> киби ўзбек адабиётшунослари ижодкор услуби, индивидуаллиги масаласини турли аспектларда тадқиқ этишган. Иккинчи

---

<sup>2</sup> Виноградов В. В. Проблема авторства и теория стилей/ В.В.Виноградов. – М.: Художественная литература, 1961. – С. 214; Jenefer M. Robinson. Style and Personality in the Literary Work. The Philosophical Review, Vol. 94, No. 2 (Apr., 1985). – P. 240; Жорж Луи Леклерк де Бюффон. Франция академиясига кириш нутқи. <http://www.infoliolib.info/philos/buffon/buffon.html>.; Жирмунский В.М. Теория литературы. Поэтика. Стилистика. – Ленинград: Наука, 1977. – С. 408; М.Б.Храпченко Творческая индивидуальности писателя и развитие литературы. – М.: Советский писатель, 1970. – С. 109; Османов М.Н. Стиль персидско – таджикской поэзии IX-X вв. – М., 1974; Томашевский Б.В. Стилистика и стихосложение. Курс лекций. – Л., 1959. – С. 525; Хализев В. Теория литературы. – М.: Высшая школа, 2006. – С. 288.

<sup>3</sup> Фитрат. Адабиёт қондалари. Танланган асарлар. 4-жилд. – Тошкент: Маънавият, 2006. – Б. 336; Н.Шукуров. Услублар ва жанрлар. – Тошкент, 1973; Шарафиддинов О. Гўзаллик излаб. – Тошкент: Адабиёт ва санъат нашриёти, 1986; Расулов А. Адабий ижодда услуб / Адабиёт назарияси. II том. – Тошкент, 1978; Расулов А. Услуб – истеъдод портрети. – Тошкент: Янги аср авлоди, 2013. – Б. 244; Қўшжонов М. Норматов У. Маҳорат сирлари. – Тошкент: Ғафур Ғулом номидаги бадий адабиёт нашриёти, 1968. – Б. 218; Қўшжонов М. Абдулла Қаҳҳор маҳорати. – Тошкент: Ғафур Ғулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти, 1988. – Б. 232; Носиров Ў. Ижодкор шахс, бадий услуб, автор образи. – Тошкент: Фан, 1981. – Б. 200. Носиров Ў. Образларда услуб жилолари. – Тошкент: Фан, 1991. – Б. 196; Мамажонов С. Услуб жилолари. – Тошкент: Ғафур Ғулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти, 1972. – Б. 220; Мамажонов С. Ранглар ва оҳанглар. – Тошкент: Ғафур Ғулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти, 1978. – Б. 240; Мамажонов С. Лирик олам, эпик кўлам. – Тошкент: Ғафур Ғулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти, 1979. – Б. 236; Ҳаққул И. Тасаввуф ва шеърят. – Тошкент: Адабиёт ва санъат нашриёти, 1991. – 184 б.; Ҳаққулов И. Шахсият ва шеърят. – Тошкент: BROK CLASS SERVIS нашриёти, 2014. – Б. 114; Ҳамдамов У. Бадий тафаккур тадрижи. – Тошкент, 2002; Саримсоқов Б. Бадийлик асослари ва мезонлари. – Тошкент, 2004; Раҳимжонов Н. Мустақиллик даври ўзбек шеърятини. – Тошкент: Фан, 2007. – Б. 21; Жабборов Н. Замон. Мезон. Шеърят. – Тошкент: Ғафур Ғулом номидаги нашриёт-матбаа уйи, 2015. – Б. 304; Улуғбек Ҳамдам. Янги ўзбек шеърятини. – Тошкент: Adib, 2012. – Б. 304; Эргашев Қ. Алишер Навоийнинг насрий услуби масалалари. – Тошкент: Muhammad, 2012. – Б. 248; Тажибаева Д. XX аср сўнги чораги ўзбек шеърятинида поэтик услуб муаммолари: Фил. фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) дисс. – Фарғона, 2018. – Б. 140; Сабриддинов А. Ойбек шеърятинида сўз ва образ. Филол.фан.номз...дисс.. – Тошкент, 1993; Ҳамдамов У. 30-йиллар ўзбек шеърятинида “соф лирика” муаммоси. Филол.фан.номз... дисс. автореф. – Тошкент, 1997; Хайитов А. 90-йиллар ўзбек лирикасида анъана ва шаклий изланишлар. Филол.фанлари номзоди... дисс.– Тошкент, 2004. – Б. 126.; Шоимов А. Хусайн Жовид ва ўзбек драматургияси. Филол. фанлари номзоди... дисс. – Тошкент, 2008; Ашурова Г. Абдулла Орипов шеърятинида анъана ва бадий маҳорат. Филол.фан.номз...дисс.. – Тошкент, 2008; Давронова М. Ҳозирги ўзбек шеърятинида индивидуал услуб поэтикаси (Усмон Азим, Иқбол Мирзо, Фахриёр, Абдували Кутбиддин шеърятини мисолида). Филол.фан.док. ... дисс. автореф. – Самарқанд, 2019. – Б. 30; Давлатова А. Абдулла Орипов шеърятинида поэтик тафаккур тадрижи. Филол. фанлари бўйича фан доктори (DSc) дисс. – Тошкент, 2021. – Б. 218; Махаммадиева Ю. Ферузнинг бадий маҳорати. Фил. фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси. – Тошкент, 2021.

йўналиш Усмон Қўчқор ҳаёти ва ижодига бағишланган тадқиқотлар: олимлар И.Ҳаққулов, Ғ.Муродов, Н.Жумаев, Н.Раҳимжонов, Л.Шариповалар томонидан илмий ва хотира мақолалар яратилган. Шунингдек, айрим монография ва диссертациялар таркибида шоирнинг шеърӣ драма ва дostonлари ўрганилган<sup>4</sup>, аммо ҳозиргача яхлит тадқиқот яратилмаган.

Диссертацияни ёзиш жараёнида бошқа бир қатор ўзбек адабиётшуносларининг тадқиқотлари ҳам эътиборга олиниб, уларга муносабат билдирилди.

**Тадқиқотнинг диссертация бажарилган олий таълим муассасаси илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги.** Диссертация Бухоро давлат университети илмий-тадқиқот ишлари режасига мувофиқ “Ўзбек адабиётшунослигининг долзарб муаммолари” (2019-2023) доирасида бажарилган.

**Тадқиқотнинг мақсади** шоир Усмон Қўчқорнинг бадиий маҳоратини очиб беришдан иборат.

**Тадқиқотнинг вазифалари:**

адабиётшуносликда иждокор маҳорати ва услубига доир назарий қарашларни ўрганиш;

шахсият ва иждод, анъана ва янгича изланишлар, бадиий матндаги шаклий-услубий ўзгаришларни Усмон Қўчқор иждодининг таҳлили асосида очиб бериш;

шоир шеърятининг мавзулар кўлами, тарих ва замоннинг муштарак талқини, образлар тизимининг муҳим жиҳатларини асослаш;

иждокор асарларининг ғоявий-бадиий хусусиятларини таҳлил этиш ва услубига хос жиҳатларини аниқлаш орқали унинг ўзбек шеърятида тутган ўрнини белгилаш;

Усмон Қўчқор асарларининг тили, бадиий тасвир воситаларидан фойдаланиш маҳорати, таржиманинг бадиий иждодга таъсири масалаларини ёритиш.

**Тадқиқотнинг объекти** сифатида шоир Усмон Қўчқорнинг шеърӣ тўпламлари, дostonлари, таржималари танланди.

**Тадқиқотнинг предмети**ни Усмон Қўчқор шеъряти, унинг услуби, бадиий маҳоратининг таҳлили ва талқини ташкил этади.

---

<sup>4</sup>Мирвалиев С. Шокирова Р. Ўзбек адаблари. – Тошкент: Фан, 1993. – Б. 152; Ҳаққул И. Шоир нафаси – ўчмас нафас. Kh-davron. uz.; Ҳаққулов И. Бедор юрак икболи. Филологиянинг долзарб масалалари. – Тошкент: Турон-икбол, 2021. – Б. 135-139; Раҳимжонов Н. Муस्ताқиллик даври адабиётининг асосий хусусиятлари ҳақида // ЎТА. – Тошкент, 2006. – № 4. – Б. 10; Жумаев Н. Уйқудаги ботирдир – минор // Шарқ юлдузи. – Тошкент, 1988. – №6. – Б. 181; Муродов Ғ. Ҳаяжонли дунё илхомлари. // Бухоро ҳақиқати газетаси, 1983. – № 6. – Б. 4; Шарипова Л. XX асрнинг 70-80-йиллари ўзбек шеърятида фольклоризм. – Тошкент: Фан, 2011. – Б. 152. Шарипова Л. Самимиятга йўғрилган шеърят // Ёшлик. – Тошкент, 2013. – №11. – Б. 24-26; Шарипова Л. Шеърят ва фольклор. – Тошкент: Наврўз, 2019. – Б. 202; Шарипова Л. Умри ибрат, иждоди бетакрор эди // Бухоронома. – Бухоро, 2022. – №6. – Б. 4; Қувватова Д. XX аср иккинчи ярми ўзбек поэмаси. – Тошкент, Turon zamin ziyo, 2014. – Б. 176; Ҳасанов Ш. Замонавий дoston поэтикаси. – Самарқанд, 2004.; Ўроқова Н. Сўнгги йиллар ўзбек дostonчилигида иждокор услуби ва индивидуаллиги (И.Отамурод ва У. Қўчқор дostonлари асосида). Филол. фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси. – Қарши, 2019. – Б. 146; Ходжиева Г. Ўзбек шеърӣ драмаси. – Бухоро: Дурдона, 2020. – Б. 144; Орзикул Эргашев, Рустам Мусурмон. Дўст ёди // saviya. uz.; С.Алижонов. Дарахтга айланган одам. <https://kknews.uz/uz/22605.html>.

**Тадқиқотнинг усуллари.** Тадқиқот мавзусини ёритишда тарихий-қиёсий, биографик, статистик, аналитик таҳлил усулларида фойдаланилди.

**Тадқиқотнинг илмий янгилиги** қуйидагилардан иборат:

Усмон Қўчқор шахсияти ва поэтик дунёқарашининг шаклланишига таъсир этган оила муҳити, таҳсил мактаблари каби психобиографик, адабий анъаналар, XX аср иккинчи ярми бадиий тафаккури сингари ижтимоий-тарихий, фольклор, жаҳон ва ўзбек мумтоз адабиёти сингари бадиий омиллар очиб берилган;

шоир ижодига хос вазн мутаносиблиги, чуқур лиризм, воқеабандлик каби индивидуал жиҳатлар ҳамда мавзу танлаш, сўз қўллаш, поэтик тимсол яратиш сингари маҳорат қирралари, унинг шахсият билан алоқаси ёритилган;

ижодкор шеъриятининг фольклорий, тарихий, рамзий, аллегорик образлар тизими, мундарижаси, мутаржимликнинг бадиий ижодга бевосита таъсири масалалари далилланган;

шоир лирикасининг ғазал, мухаммас, шеър, тўртлик, учлик, муқарнас, дoston сингари жанрлардан таркиб топганлиги, уларнинг шаклий жиҳатлари, ғоявий-бадиий мазмуни, лингвопоэтик хусусиятлари аниқланган.

**Тадқиқотнинг амалий натижалари** қуйидагилардан иборат:

Усмон Қўчқор услубининг индивидуал хусусиятлари, ижодининг шаклланиш омиллари бадиий матндан олинган мисоллар асосида далилланган;

шоир шахсияти ва ижодиётини муштарак ҳолда ўрганиш унинг ҳаёт йўли ҳақидаги ҳақиқатларни англаш учун асос бўлади. Усмон Қўчқорнинг таржима соҳасида эришган ютуқлари кўрсатиб берилган, шеъриятининг ғоявий-бадиий хусусиятларига хос қирралар аниқланган;

ўзбек адабиётшунослигида ижодкор услуби, маҳорати ҳамда таржимашуносликка оид бўлган назарий қарашлар ёритилган, муаммо бўйича зарурий хулосалар олинган.

**Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги** қўйилган масаланинг аниқлиги, чиқарилган хулосаларнинг қиёсий таҳлил усули билан асослангани, шоир услуби ва маҳорати масаласини ёритишда ишончли назарий манбалардан фойдаланилган ҳолда хулосалар чиқарилганлиги билан белгиланади.

**Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти.** Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти шоир услуби поэтикаси, унинг янгича мазмун ва шакллари замонавий методологик ёндашувлар воситасида текшириш, ўзбек адабиётшунослигида ижодкор услубини ўрганиш билан боғлиқ тадқиқотларда мазкур иш муайян даражада илмий-назарий манба бўлиб хизмат қилиши билан белгиланади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти олий таълим муассасаларининг ўзбек тили ва адабиёти, журналистика, филология факультетларида филология ва тилларни ўқитиш (ўзбек) таълим йўналишларида “XX аср ўзбек адабиёти”, “Истиқлол даври ўзбек адабиёти” “Ҳозирги адабий жараён”, “Услубият

асослари” фанларидан маъруза, махсус курс ва семинарлар ўтишда, шунингдек, ўрта махсус таълим муассасалари, умумтаълим мактабларида адабиёт дарсларини ўқитишда фойдаланиш мумкинлиги билан изоҳланади.

**Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши.** Услуб ва ижодкор маҳоратини Усмон Қўчқор ижоди мисолида тадқиқ этиш жараёнида эришилган натижалар асосида:

Ўзбек адабиётшунослида шоир услуби муаммосининг илмий-назарий жиҳатларини очиб бериш, мазкур муаммонинг ўрганилиш даражасини тадқиқ этиш, Усмон Қўчқор шеъриятидаги образ (фольклорга хос, рамзий, тарихий, аллегорик)ларни таҳлил қилиш, ижодкор услубининг индивидуал хусусиятлари, анъанавийлик ва новаторлик жиҳатларини ёритиш, услубга жанрларнинг таъсири, маҳорат масалаларига доир назарий хулосалардан ФА-Ф1-005 “Қорақалпоқ фольклоршунослиги ва адабиётшунослиги тарихини тадқиқ этиш” (2017-2020 й.й.) мавзусидаги фундаментал илмий лойиҳада фойдаланилган (Ўзбекистон Республикаси Фанлар Академияси Қорақалпоғистон бўлимининг 2021 йил 11 ноябрдаги 327/1-сон маълумотномаси). Натижада, лойиҳа адабиётшуносликда услуб ва маҳорат масалалари ҳақидаги янги илмий-назарий маълумотлар билан бойитилган.

Бугунги адабий жараёнда бадиий ижод, шеърият, замонавий ўзбек адабиёти вакиллариининг индивидуал услуби, маҳорати бўйича тасаввуртушунчаларни бойитиш ҳақидаги янги маълумотлардан Бухоро вилоят телерадиокомпаниясининг 2019 йилнинг 3 ва 16 декабрь кунлари эфирга узатилган “Менга сўз беринг”, “Ассалом, Бухоро”, “Саккизинчи мўъжиза” 2020 йилнинг 11 февраль, 16 март кунлари эфирга узатилган “Жаҳон тамаддуни дурдоналари”, “Асарларни асранглар” телекўрсатувлари, “Бухоро” радиосининг 18 январь ва 6 февраль кунлари эфирга берилган “Мулоқот ва мунозара”, “Қадриятлар қадим бешиги” радио эшиттиришларини тайёрлашда унумли фойдаланилган (Ўзбекистон миллий телерадиокомпанияси Бухоро вилояти телерадиокомпаниясининг 2021 йил 13 февралдаги 1/62-сон маълумотномаси). Натижада, телетомошабинларнинг китобхонликка қизиқишини оширишга, уларни бугунги адабий жараён, шоир ва ёзувчилар ижоди билан, айниқса, Усмон Қўчқор шеърияти билан яқиндан таништиришга эришилган.

**Тадқиқот натижаларининг апробацияси.** Тадқиқот натижалари 9 та, жумладан, 5 та халқаро ва 4 та республика илмий-амалий анжуманларида маъруза кўринишида баён этилган ва апробациядан ўтказилган.

**Тадқиқот натижаларининг эълон қилиниши.** Диссертация мавзуси бўйича 22 та илмий иш, жумладан, Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг докторлик диссертациялари асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрларда 5 та, хорижий журналда 2 та мақола нашр қилинган.

**Тадқиқотнинг тузилиши ва ҳажми.** Диссертация 162 саҳифадан иборат бўлиб, кириш, уч асосий боб, хулоса ва фойдаланилган адабиётлар рўйхатидан ташкил топган.

## ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

**Кириш** қисмида мавзунинг долзарблиги ва зарурати асосланган, тадқиқотнинг мақсад ва вазифалари, объекти ва предмети тавсифланган, республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги кўрсатилган, тадқиқотнинг илмий янгилиги ва амалий натижалари баён қилинган, олинган натижаларнинг илмий ва амалий аҳамияти очиб берилган, тадқиқот натижаларини амалиётга жорий этиш, нашр этилган ишлар ҳамда диссертациянинг тузилишига доир маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг I боби **“Ижодкор шахсияти ва услуб”** деб номланган бўлиб, 2 фаслдан иборат. **“Усмон Қўчқор услубининг шаклланиши омиллари”** фаслида ижодкор шахси ва маҳоратига доир назарий қарашлар ўрганилиб, У.Қўчқор услубининг шаклланиш омиллари ёритилган. Инглиз олимаси Женефер Робинсон бадиий асарда услубнинг намоён бўлиши, унинг шахсият билан алоқасига тўхталади, шахсият ва ижодкорнинг доимий сифатлари ҳамда фазилятлари бирлашиб, унинг услубини шакллантириши, лирик қаҳрамонлар воситасида юзага чиқишини таъкидлайди<sup>5</sup>.

Бадиий ижодда маҳорат ва услуб тушунчаси алоҳида ўрин тутаяди. Шоирнинг услуби бевосита унинг бадиий маҳоратида акс этади. “Маҳорат” сўзи луғатда<sup>6</sup> “моҳирлик”, “усталик”, “эпчиллик” маъносида изоҳланади. Бироқ луғатларда адабий истилоҳ сифатида шарҳланмаган. Шунга қарамай, ижодкорнинг маҳорати мавзуси ёритилган кўпгина тадқиқотлар<sup>7</sup> мавжуд. Бизнингча, бадиий маҳорат аввало, адибнинг эътиқоди билан чамбарчас боғлиқ. Бу унинг ижодидаги ғоя ва талқинлардан тортиб, ҳатто шакл танлашида ҳам ўз таъсирини ўтказаяди. Иккинчидан, ижодкор дунёқарашнинг теранлиги, билим савиясининг кенглиги билан белгиланади. Чунки лирикадаги ҳар бир ҳис-туйғу, насрдаги воқелик ифодасида булар ўзининг изини қолдиради. Учинчидан, макон ва замоннинг фарзанди ўлароқ воқеликни теран идрок қилиши лозим. Зотан, санъаткорнинг вазифаси қандай мавзу танламасин, замондошларига таъсир ўтказиш, уларнинг дид-савиясини кўтариши, маълум маънода инсоний фазилятларини муҳофаза этмоғи жоиз. Тўртинчидан, инсон ва инсонийликнинг мазмун моҳиятини тўғри ва аниқ белгилаши муҳим. Шундагина ўлмас асарлар дунёга келади. Адабиёт ҳам ўзининг мақсад ва вазифаларидан чекинмайди.

---

<sup>5</sup> Jenefer Robinson. Style and Personality in the Literary Work. The Philosophical Review. Vol. 94, No. 2 (Apr., 1985). – P. 240.

<sup>6</sup> Ўзбек тилининг изоҳли луғати. 5 жилдлик (иккинчи жилд). – Тошкент: “Ўзбекистон миллий энциклопедияси” Давлат илмий нашриёти, 2006. – Б. 575.

<sup>7</sup> Қаранг. Қўшжонов М. Норматов У. Маҳорат сирлари. – Тошкент: Ғафур Ғулом номидаги бадиий адабиёт нашриёти, 1968. – Б. 218; Қўшжонов М. Абдулла Қаҳҳор маҳорати. – Тошкент: Ғафур Ғулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти, 1988. – Б. 232; Махаммадиева Ю. Ферузнинг бадиий маҳорати. Фил. фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси. – Тошкент, 2021.

Шу боис В.Г.Белинский услубни белгиловчи кўплаб хусусиятлар йиғиндиси бўлган шахсиятга аҳамият қаратади<sup>8</sup>. Абдурауф Фитрат ҳам бу масалага алоҳида тўхталади<sup>9</sup>. Услуб – ижодкорнинг поэтик индивидуаллиги, истеъдоди, макон ва замонга мансублиги, бадий маҳорат, асарнинг барча қисмларига тегишли лирик қаҳрамон, жанр, композиция, лирик мотивлар, сўз танлаш, турли образлардан фойдаланиш, бадий санъатларни қўллаш каби ўзига хос эстетик канонлар йиғиндисидир. Услуб ва маҳорат ижодкорларнинг даражасини кўрсатадиган кўзгу, ўқувчини ишонтириш ҳамда қизиқтириш воситасидир. Шоир ва таржимон Усмон Қўчқор ижодини шу нуқтаи назардан тадқиқ этишга ҳаракат қиламиз.

Ўтган асрнинг 70-йилларида шеърятимизга кириб келган ижодкорлардан бири Усмон Қўчқор шеърларида тарихдан тимсоллар ахтарадиган, табиат билан инсоннинг руҳий яқинлигини оҳорли ташбеҳларда ифодалайдиган, замондошларимиз маънавиятидаги ўзгаришларни тасвирлашга интилган шоир сифатида хурмат қозонган. Қолаверса, унинг инсон, ижодкор сифатидаги фазилатлари асарларида ёрқин кўзга ташланиб туради.

Адабиётшунос Н.Шукуровнинг фикрларига<sup>10</sup> таяниб, ижодкор услубига оид тасниф берилди: 1) ҳаммага маълум фикрни янги қиррасини кўрсатадиган восита; 2) фикрнинг кўзга ташланиб туришини таъминловчи куч; 3) ижодкорнинг талантини намоён қилувчи белги; 4) бадий тафаккурнинг ифода йўли. Шу боисдан, шоирнинг шахсий қирралари, шеърятига хос бўлган индивидуал маҳоратига алоқадор жиҳатларини замондош қаламкашлар ижоди билан муқояса қилиб, муштарак ва фарқли жиҳатларини кўрсатишга эътибор қаратиш ижодкор услуби ва индивидуаллиги билан боғлиқ муаммога доир муҳим хулосаларга келишга ёрдам беради. Шу жиҳатдан қараганда, Усмон Қўчқор услуби шахсияти, унинг туғилган юрти, яшаган даври, таҳсил олган мактаблари, ижод олами билан белгиланади, чунки Усмон Қўчқор шахсиятидаги ватанпарварлик, соддалик, самимийлик, инсонийлик, камтаринлик каби сифатлар унинг ижодига ҳам кўчган. Ишда шоирнинг таржимаи ҳоли билан боғлиқ жиҳатлар, ўзига хос бадий олами шаклланаётгани автобиографик характерга эга шеърлари таҳлили мисолида кўрсатилиб, ижодкор услубининг шаклланишига асос бўлган тарихий, психобиографик, ижтимоий, индивидуал омиллар ёритиб берилди.

Усмон Қўчқор услубидаги ўзига хослик, бир тарафдан, Шарқ мумтоз шеърятини, халқона оҳанглар билан боғланса; иккинчи тарафдан эса, ижодкор томонидан амалга оширилган таржималарнинг таъсири билан изоҳланади. Усмон Қўчқор Озарбайжон адабиётидан қилган таржималари билан ўзбек-озар адабий дўстлигини янги поғонага олиб чиқди. Ишда

<sup>8</sup>Белинский В.. Полн. соб. соч. Т.8. – М., 1955. – С. 79.

<sup>9</sup>Фитрат. Адабиёт қоидалари. Танланган асарлар. 4-жилд. – Тошкент: Маънавият, 2006. – Б. 17.

<sup>10</sup>Шукуров Н. Услублар ва жанрлар. – Тошкент: Фафур Фулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти, 1973. – Б. 7.

шоирнинг муайян адабий тур ва жанрларда ёзилган асарлари статистикаси 1-жадвалда берилди.

1-жадвал

**Шоирнинг муайян адабий тур ва жанрларда ёзилган асарлари статистикаси**

Т/р	Чоп этилган асарлари	Ғазал (лирик тур)	Шеър (лирик тур)	Достон, шеърий эртак, шеърий ривоят (лиро-эпик) тур	Драма (лиро-эпик) тур	Изоҳ Ҳажми
1.	“Хаяжонга кўмилган дунё” (1892)		51			984 мисра
2.	“Аксиз садолар” (1986)	2	60			892 мисра
3.	“Уйқудаги минора” (1987)	3	29			694 мисра
4.	“Ёнартоғ афсонаси” (1989)			Шеърий эртак		1032 мисра
5.	“Оғир карвон” (1991)	2	87			1830 мисра
6.	“Қувғин” (1991)			Достон		868 мисра
7.	“Турон ботир” (1992)			Шеърий эртак		1190 мисра
8.	“Широқ” (1994)			Шеърий ривоят		940 мисра
9.	“Чамангул” (1995)			Шеърий эртак		790 мисра
10.	“Тўрт эртакка бир якун” (1995)			Шеърий эртак		70 мисра
11.	“Имом Бухорий” (шеърий драма ва шеърлар) (2020)		27		Шеърий драма	1506 мисра
12	Жами:	7	254	4	1	9290

Иккинчи фасл **“Шоир шеъриятида анъана ва янгича изланишлар”** деб номланган. Унда шоирнинг халқ оғзаки ижоди ва мумтоз адабиётдан таъсирланиб, ўзига хос асарлар яратгани ҳақида фикр юритилади. Ўзбек шеъриятида шоирларнинг жанрлар ва поэтик шакллардан фойдаланишдаги ижодий индивидуаллиги халқ оғзаки ижоди ҳамда мумтоз асарларга бўлган муҳаббат ва муносабатининг таъсирidir. Бу таъсир шоир ва ёзувчиларнинг адабиётга бўлган муносабати, дунёқараши, фикрлаши, ўзига хос услубида намоён бўлади, бадиий матн – шеърнинг ёки турли жанрлардаги асарларнинг дунёга келишида муҳим роль ўйнайди.

Шеъриятда давр қахрамонлари сиймосини яратиш, ҳаётдаги ўзгаришлар, янгиланишлар ҳақида баралла айта олиш, мозийга назар солиш шоирнинг индивидуал маҳорати билан боғлиқ. Бу маҳорат Усмон Қўчқор ижодида ҳам анъана ва замонавийлик уйғунлашган ҳолда кўзга ташланади. XX асрнинг 70-80-йиллари ўзбек шеъриятида фольклоризмлардан фойдаланиш юқори даражага кўтарилганлиги, услубида фольклордан таъсирланиш бўртиб турган шоирлар ижодида фольклоризмларни қай тахлит қўллашига кўра гуруҳларга

ажратилган<sup>11</sup>. Шунга кўра шоир ижоди иккинчи гуруҳга мансуб бўлиб, унинг ижодида фольклорга хос оҳанг, образ, ифода воситаларидан фойдаланиш билан бир қаторда оғзаки адабиётга мансуб жанр, сюжет, мотив кабиларга қайта-қайта мурожаат қилиш устуворлиги кўзга ташланади. *Бу қандай дев ухлаб ётар, Уйқусида хуррак отар, Қўл-оёғи ишлаб ётар, Юқдан яғирдир елкаси*<sup>12</sup>. Шоир ушбу шеърда дев, аждар, махлуқ каби образлардан фойдаланиб, сиёсий тузумдаги жараённи ёритишга ва давр моҳиятини очишга ҳаракат қилган. Кейинги мисраларда “Уч оғайни ботирлар” эртаги сюжетининг маълум воқеаларидан фойдаланади. Тўнғич ботир ва Ўртанча ботир борса келар ҳамда борса хатар йўллари (осон йўл)ни танлайдилар. Қанчалик машаққатли бўлса ҳам борса келмасга Кенжа ботир боради. Кенжа ботир – озошлик курашчиларининг тимсолидир.

Таъкидлаш керакки, ушбу давр адабиёти вакилларининг ижодида халқ оғзаки ижодига хос мақол, матал, афсона, ривоят, олқиш, қарғиш каби жанр намуналаридан фойдаланиш кенгроқ намоён бўлди. Жумладан, Усмон Қўчқор ҳам ана шу анъанани шеърларида давом эттирди. Нафақат шеърларида, балки достон, эртақ-достон, ривоят-достонларида халқ оғзаки ижодининг яққол таъсири сезилади.

Усмон Қўчқор лирикасининг муҳим масалаларидан бири поэтик маҳорати, унинг ўзига хос ижодий манераси ва услубига эга бўлиши, анъана ва ворисийликка бўлган муносабати Шарқ мумтоз адабиётидаги жанрларга қилган мурожаати орқали намоён бўлди. Шоирнинг Навоий, Бобур, Фузулий, Муқимий, Фурқат, Махтумқули каби шоирларнинг руҳи, ижодига садоқатини аруз вазнида ҳам гўзал шеърлар, ғазал, мухаммас, тўртликлар яратишга чорлагани билан изоҳлаш мумкинлиги “Ўлмиш” радифли ғазали таҳлили мисолида кўрсатиб ўтилди.

*Ва-тан ҳас-ра-/ ти не ҳас-рат, / жи-гар-лар лах-/ та қон ўл-миш.*<sup>13</sup>

V --- / V --- / V --- / V ---

*Бу қон го-ҳи / а-ён ўл-миш, / бағ-ри -да гоҳ / ни-ҳон ўл-миш.*

V --- / V --- / - V -- / V ---

Ғазал анъанавий тўққиз байтдан иборат бўлиб, аруз шеърий тизимига хос ҳазажи мусаммани солим вазнида ёзилган. Ғазал воқеабанд ғазаллар сирасига киради. Байтнинг иккинчи мисраси учинчи рукнида сакталиқ бор, “бағ-ри-да гоҳ” фоилотун рукнига рост келиб, сатрнинг шу ўрнида вазнда ноқулайлик юзага келган. “Бағирда гоҳ” деб берса, мазкур рукнга путур етмайди, вазн мукаммаллашарди. Ғазал қон, ниҳон, макон, сомон, жавон, замон, камон, беимон, ёмон, аён тарзда қофияланган. Халқ оғзаки ижодига хос “гўрда тик турмоқ” ибораси синтезлашиб, ғазалнинг бадииятини оширишга ва таъкидни кучайтиришга хизмат қилган. Юқоридаги мисралар бевосита З.М.Бобурнинг ғазал ва рубоийларини ёдга солади. Ватандан

<sup>11</sup> Шарипова Л. Шеърят ва фольклор. – Тошкент: Наврўз, 2019. – Б. 190.

<sup>12</sup> Қўчқор У. Оғир қарвон. – Тошкент: Фафур Ғулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти, 1991. – Б. 27.

<sup>13</sup> Қўчқор У. Оғир қарвон. – Тошкент: Фафур Ғулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти, 1991. – Б. 8-9.

йирокда яшаш ҳасрати, гоҳ ошкор, гоҳ пинҳон тўкилган кўз ёш, эзилган кўнгил, буларнинг бари Ватан ҳажри. Демак, бу ўринда, нафақат, жанрга хос анъана, балки мавзу ва ғоя борасида ҳам мумтоз адабиётдан таъсирланиш яққол кўринади. Шоир барча ғазалларида тахаллус қўллайди, тазод, тарди акс, тажнис, талмех, ташбеҳ, истиора каби бадий санъатлардан кенг фойдаланади. Аксарият ғазалларини ҳазажи мусаммани солим вазнида, мутлақ ва муқайяд қофия илмига амал қилган ҳолда ёзади.

XX асрнинг охири ҳамда мустақиллик даври ўзбек шеърияти янгича тамойиллар асосида бойиб борди. Жаҳон ва мумтоз адабиёт анъаналари таъсирида янги поэтик шакллар кириб кела бошлади. Ўзбек адабиётшунослигида шеърий шаклларга хос хусусиятлар қатор забардаст олимлар томонидан тадқиқ этилди<sup>14</sup>. Мумтоз адабиётимизда иккиликлар маснавий ва фард деб номланган бўлса, сўнгги йиллар ўзбек шеъриятида ҳам маснавий каби ҳар икки мисра ўзаро қофияланган шеърлар яратилмоқда. “Игнабарглар”, “ирқ битиклар”, “маснавий”, “фард”, “икки қатлар” “иккилик” деб аталган шакллар пайдо бўлди. Усмон Кўчқор икки мисрадан тузилган шеърлар яратиш анъанасини давом эттириб, ўз иккиликларини **муқарнас** деб шеърхонга тақдим қилди.

Усмон Кўчқорнинг “Имом Бухорий” шеърий драмаси ва шеърлардан таркиб топган китобидан 43та (86 мисра) иккилик шаклидаги муқарнаслар ўрин олган.

*Кўнглимнинг уйига тўрт девор қўйдим  
– Ишорат, иродат, ибрат, итоат.*

Мумтоз адабиётда кўнгил – байтуллоҳ, яъни Аллоҳнинг уйи дея қаралиши маълум. Мисраларда метафора, таъкид ва аллитерация санъатидан фойдаланиб, мана шу муқаддас уйнинг деворларини тиклайди ва ўзининг шахсияти хусусида ёрқин тасаввур уйғотади. Аввало, ишорат (*ишора –эски, айн, ишоралар*)<sup>15</sup> Аллоҳ таоло ҳар нарсадан огоҳ этувчи бўлиб, бандаларига олий хабар ҳамда ҳукмларни ишора йўли билан юборган. Махлуқотлар ичида инсон ирода соҳибидир. Мана шу иродасини Ҳаққа топшириш иродатдир. Ва инсон хоҳ яхши, хоҳ ёмон воқеа-ҳодисотлардан ибрат олувчидир. Ибрат кўзи, басирати очик бўлсагина инсон комиллашади. Ва ниҳоят, бандалик, куллик сифатини намоён қилувчи итоатдир. Зеро, Қуръони каримда ҳам бу ҳақида кўп эслатилади. Жумладан, Бақара сурасининг 128-оятда Иброҳим а.с шундай илтижо қилган эди: “Парвардигоро, бизни ўзингга бўйсундирувчилардан қилгин ва зурриётимиздан ҳам ўзингга итоат қиладиган кишилар чиқаргин” ёки Оли имрон сурасининг 32-оятда ўқиймиз: “Айтинг: “Аллоҳ ва пайғамбарига итоат қилингиз!” Агар юз ўғирсалар, бас, албатта, Аллоҳ (бундай) динсизларни

<sup>14</sup> Раҳимжонов Н. Мустақиллик даври ўзбек шеърияти. – Тошкент: Фан, 2007. – Б. 260; Улуғбек Ҳамдам. Янги ўзбек шеърияти. Илмий мақолалар. – Тошкент: Adib, 2012. – Б. 274; Улуғов А. Қалб қандили. –Тошкент: Akademnashr, 2013. – Б. 284; Йўлчиев Қ.Типологик ўхшашликлар: бирлик ва учлик. – Тошкент: Фан, 2016. – Б. 150.

<sup>15</sup> Ўзбек тилининг изоҳли луғати. 5 жилдлик (иккинчи жилд). – Тошкент: “Ўзбекистон миллий энциклопедияси” Давлат илмий нашриёти, 2006. – Б. 259.

севмас”. Шоир Аллоҳ ва унинг тақдири азалига итоатини, қуллигини мана шу тарзда ифодалайди. Шоир назарида, бу тўрт девор мусулмон инсоннинг виждони, имони. Демак, Усмон Қўчқор маҳоратини намоён этувчи, ўзбек шеърятига олиб кирган ўзига хос шеърий шаклдир. Вақт ўтиб, бу шеърий шакл жанр сифатида ривож топса, асосчиси Усмон Қўчқор бўлиб қолиши, шубҳасиз.

Иккинчи боб “Усмон Қўчқор шеърятига мавзу ва образлар ранг-баранглиги” деб аталган. Унинг биринчи фаслида “Усмон Қўчқор шеърятининг мавзулар кўлами” масаласи ўрганилган. Шоир анъанавий мавзуларга ҳам кўп мурожаат қилган, аммо бу жарёнда уларга янгича, ўзига хос тарзда ёндашганлиги ҳам кўриниб туради”<sup>16</sup>. Усмон Қўчқор асосан, табиат, тарих, муҳаббат, Ватан, ватанпарварлик ҳақидаги ва қисман турфа мавзудаги шеърлар яратган. Табиатнинг нозик гўзаллигига ошиқ шоир ўз шеърларида уни бадий образ даражасига кўтаради. Инсоннинг қалб кечинмалари, руҳият кенгликлари табиат орқали очиб беришга ҳаракат қилинади.

*Аёз ҳали бўлмасдан адоғ,  
Вазмин-вазмин қадамлар ташлаб,  
Қишдан чиқиб келаётир тоғ  
Бойчечакни тишида тишлаб*<sup>17</sup>.

Аслида табиатнинг ҳам сирли бир ҳаёт тарзи бор. Тоғнинг виқорини, уммоннинг сукунатини, шамолнинг овозини, оловнинг ҳасратини англаш учун сирати очик бир шахсият керак. Зеро, Қуръони каримда ҳам: “Тоғлар ва қушларни Довуд билан бирга тасбеҳ айтадиган қилиб бўйсундириб қўйдик (Анбиё/79)”, “Сиз тоғларни кўриб, тек қотиб турибди, деб ўйлайсиз. Қолбуки, улар ҳам худди булутлар юргандек юрарлар (Намл /88)”, дея эслатилади. Бевосита тоғнинг жонлантирилиши ташхис санъатини юзага келтирган. Тоғ баҳорни бошлаб келган образ сифатида гавдаланади. “Шоир табиат ва руҳиятни ўзаро мутаносиб келтирар экан, умр ҳақидаги фалсафий хулосасини шеърхон билан ўртоқлашади”<sup>18</sup>. Ҳақиқатан ҳам шоир инсон ва табиат тушунчасини бир-бирига узвийликда қиёслади. Ишда Э.Воҳидов, М.Юсуфнинг айтиши шу мавзудаги шеърлари билан қиёсланиб, саҳро портретини чизиш маҳорати, юлдузларга бағишланган туркум шеърлари таҳлилга тортилган.

Миллий шеърятимизда А.Орипов “Сен баҳорни соғинмадингми?”<sup>19</sup>, С.С.Бухорий “Баҳор менинг юрагимдан куртакларга ўтади”<sup>20</sup>, У.Азим “Менинг

<sup>16</sup> Иззат Султон. Адабиёт назарияси. – Тошкент: Ўқитувчи нашриёти. 2005. – Б. 96-102; Quronov D. Adabiyot nazariyasi asoslari. – Toshkent: Akademnashr, 2018. – Б. 280; Умутов Х. Адабиёт назарияси. – Тошкент: А.Қодирий номидаги халқ мероси нашриёти, 2004. – Б. 148.

<sup>17</sup> Қўчқор У. Ҳаяжонга кўмилган дунё. – Тошкент: Фафур Ғулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти, 1982. – Б. 33.

<sup>18</sup> Шарипова Л. Самимиятга йўғрилган шеърят. //Ёшлик, 2013. – №11. – Б. 28.

<sup>19</sup> Орипов А. Сайланма. – Тошкент: Фафур Ғулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти, 2000. – Б. 38.

<sup>20</sup> Садриддин Салим Бухорий. Ҳикматдир дунё. – Тошкент: Фафур Ғулом номидаги нашриёти-матбаа уйи, 2011. – Б. 134.

юрагимдан бошланди баҳор”<sup>21</sup>, – дер экан, ушбу фаслни меҳр-муҳаббат, севги фасли сифатида талқин қилинганлиги кўринади. Усмон Қўчқор шеърларида юрагига айланган, қисматига битилган баҳор бу – бир умрлик муҳаббат, умр йўлдош сифатида талқин қилинади. Лирик қаҳрамон – ошиқ нутқида бошқа шоирлар ижодида учрамайдиган “*Етти қат осмонни йиртиб, сен учун, Янги – саккизинчи осмонни очай*” сатрларининг учраши шоирнинг маҳорат кирраларини белгилашга имкон беради.

“Шеърят – ижтимоий ҳодиса”<sup>22</sup>. У жамиятни табиат билан бир бутунликда, яхлитликда, ҳамоҳангликда тасвирлайди. XX асрнинг 70-йиллари миллий шеърятимиз вакиллари ижодида Ватан ва ватанпарварлик, эрк, озодлик, мустақиллик ғоялари етакчи ўрин тутди. Давр ижодкорлари қаторида Усмон Қўчқор ҳам бу мавзуда ўз сўзи борлигини, ўз овози борлигини айта олди. “*Бу Ватанни мен узоқ севдим*” деб бошланувчи шеърида Усмон Қўчқор чинакам эркпарвар шоир сифатида майдонга чиқади. *Мен мозийга термулдим гариб, Истиқлолга боқиб йиртилди кўзим. “Кўзнинг йиртилиши”* иборасини истиқлол билан бирга қўллаш орқали жуда халқона оҳорли топилмани яратди. Шу билан бирга Ватан ҳақидаги қарашларини “*Ватаннинг эрк деган чорраҳаси*” мисраларида сингдиради ва истиора санъатини қўллайди.

“**Тарих ва замоннинг муштарак талқини**” фаслида шоир ижодида Шарқ ва Ғарб анъаналарини муваффақият билан синтез қила олганлиги, ифоданинг ўзига хослиги тадқиқ этилган. Усмон Қўчқор лирикасида ҳам ўзбек халқининг қадимги Массaget, Эфталий, Кушон, темурийлар, бобурийлар, хонлиқлар, Чор Россияси давридаги тарихи шоирона нуқтаи назардан бадиий талқин этилган. *Тарих – оғир карвон, Тинмай йўл босар, Янграгиб туну кун қўнғироқларин...*<sup>23</sup>. Йиллар ўтади, фасллар алмашади, бироқ тарих карвони йўлидан тухтамайди. Шоир шеърларида тўғридан-тўғри, кўчимлар воситасида тарих масаласига мурожаат этилади. Усмон Қўчқорнинг тарих ҳақидаги шеърларини таҳлил қилиш орқали тарихий ҳақиқатни реал тасвирлаш; тарихий сиймолар образини яратиш; тарихий топонимлар, Бухоронинг шонли ўтмишини гавдалантириш; тарихдан тўғри хулосалар чиқаришга ундаш руҳининг устуворлиги яққол кўринади.

“**Шоир шеърятининг образлар тизими**” деб номланган учинчи фаслда образ ва образлилик масаласи шоир ижоди мисолида очиб берилган. Усмон Қўчқор лирикасида яратилган образлар силсиласи ўзига хос ва бетакрордир. Шоир ҳар бир фасл, тоғ, сой, ой, юлдуз, булут, гиёҳ, хазон, боғ, гул, қуш, капалак, денгиз, шамол, тош, гирдоб, тун, кўз, тупроқ каби образлар замирига янги-янги маъноларни жо этади, фавкулодда фикрлар айтиб, кутилмаган ҳаётий хулосалар чиқаради. Шу боис ҳам айтиш мумкинки, шоирнинг ҳар бир яратган образи – янги бир топилма.

<sup>21</sup> Азим У. Соғинч. – Тошкент: “O‘zbekiston milliy ensikolpediysi” Davlat ilmiy nashriyoti, 2007. – Б. 87.

<sup>22</sup> Ҳамдам У. Янги ўзбек шеърятини. – Тошкент: Адиб, 2012. – Б. 192.

<sup>23</sup> Қўчқор У. Оғир карвон. – Тошкент: Фафур Фулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти, 1991. – Б. 7.

Усмон Қўчқор яратган ҳар бир образда унинг эътиқоди, дунёқараши, хис-туйғулари, орзу-армонлари ўз аксини топган. Шоир шеърлятидаги образларни қуйидагича таснифлаб, таҳлил ва талқин қилиш мақсадга мувофиқдир:

- а) фольклорга хос образлар;
- б) рамзий образлар;
- в) тарихий образлар;
- г) аллегорик образлар.

Аксарият шеърларда фольклорга хос кўпгина образлар стилизация қилинганлиги, аждар, от, дев, қуш, қарға сингари фольклорга хос образлардан фойдаланганлиги кўринадди. “Тушов узган от” шеърига эътибор берайлик: *Кенг яйловда ўтлар эди от, Бир қичқириб оромин бузди. Оёғини кўтарди азот, Шиддат билан тушовни узди*<sup>24</sup>. “Тушов узган от” шеъридаги от оддий отлардан эмас. Бу от афсонавий Ғирот, яъни Ғўрўғлининг оти. Яйловда ўтлаб юриб, бир қичқирқдан ороми бузилган от. Ишда от образи, Ялдо кечаси билан боғлиқ шеърлар атрофлича таҳлилга тортилган. Шу билан бирга ишда фасллар образи ва унга юкланган рамзий маънолар моҳияти ҳам очиб берилган.

Усмон Қўчқор шеърлятида кенг қўлланадиган образлардан яна бири бу – тош образи. Тош образи – халқ оғзаки ижоди ва ёзма адабиётда қадимдан келаётган анъанавий образлардан биридир. Тош – ёруғлик, ҳарорат, тирикликка қувват, куч, ҳаёт манбаи сифатида талқин қилинадди. *Бу тошлар, билмайман, Парқуми, парми, Тупроққа залворли Чўкиб ётмайди. Уларнинг вазни йўқ, Чунки уларни, Осмон итармайди, Замин тортмайди*<sup>25</sup>. “Вазнсиз тошлар”га моҳиятан қарама-қарши вазнли “Сув ости тошлари” образи яратилган. “Сув ости тошлари” вазминликнинг фалсафий моҳиятини янада кенгрок идрок этишимизга имкон беради. Айни шу сатрлар Рауф Парфи шеърлари билан қиёсланди<sup>26</sup>. Дуч келган оқимга тентираб, шўртанг денгизларга оқиб кетмайдиган, сув юзида пўкакдек қалқиб яшамайдиган бу тошлар олдинги шеърдаги муаллақ образларга тескари ҳолда ўз ватани, мавқеи маслағига эга бўлган улуғвор сиймолар тимсолидир. Демак, тош – сабр, тош – матонат, тош – умид ва ишонч рамзи. Шоир шеърларида тош сингари тупроқ образига ҳам кўп бор мурожаат қилингани, 33 та шеърида “тупроқ” образидан фойдалангани кўрсатилди. Бундан ташқари диссертацияда аллегорик образлар ҳам таҳлилга тортилган. Усмон Қўчқор шеърлятининг мавзулар олами ранг-баранг, салмоғи ва кўлами кенг. Шоир шеърлятининг образлар олами ўзига хос. У шеърлари 2-жадвалда ҳар бир детални образ даражасига кўтара олгани очиб берилган.

<sup>24</sup> Қўчқор У. Оғир қарвон. – Тошкент: Фафур Фулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти, 1991. – Б. 48.

<sup>25</sup> Қўчқор У. Оғир қарвон. – Тошкент: Фафур Фулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти, 1991. – Б. 39.

<sup>26</sup> Парфи Р. Сакина (Сайланма). – Тошкент: Muharrir, 2013. – Б. 62.

### Усмон Қўчқор шеърларида кўп бор мурожаат қилинган образлар

Фольклорга хос образлар	Ҳасан, Хунхор, от (Ғиркўк, Бойчибор), дев, аждар, илон
Рамзий образлар	Қуёш, ой, юлдуз, булут, шамол, ер, тупроқ, тоғ, тош, денгиз, гирдоб, сой, фасл, боғ, гиёҳ, гул, капалак, хазон
Тарихий образлар	Бухоро, Вардонзе, Лаби Ҳовуз, Минор, Самарқанд, Имом Бухорий, Улуғбек, Навоий, Бобур, Насимий, Усмон Носир, Муса Жалил, Айний, Фитрат, Ф.Хўжаев, Қодирий, Абдулла Қаҳҳор
Аллегорик образлар	Қарға, куш, чаён, тулки, чумоли, попишак, бойқуш

Тадқиқотнинг “Усмон Қўчқор шеърлятида бадий маҳорат” деб аталган учинчи бобининг “Шоир ижодининг поэтик хусусиятлари” фаслида шоир шеърлятининг тили, бадий тасвир воситалари, поэтик хусусиятлари тадқиқ этилган. Усмон Қўчқор ижодининг тили, унинг сўзни баён сеҳрига бўйсундира олиш салоҳиятига эътибор қаратиш лозим. Чунки шоир ўз шеърлярида ўзбек тилининг хилма-хил, кўпчиликнинг нигоҳи тушмаган имкониятларини намойиш этади. Унинг шеърлятида оддий сўзлашувдаги сўз ва шакллар адабий тил билан, юксак бадий лексика билан ёнма-ён яшайди. Шоир учун бадий фикргина эмас, унинг лисоний ифодаси ҳам муҳим аҳамиятга эга.

